# САХОВАТПЕША АДИБ

**(Устоз Алп Жамолни эслаб)**

*Ёднома*



Уста ҳажвчи Алп Жамол билан 1956 йилда танишганман. Ўша вақтда Тошкент давлат Педагогика олийгоҳи физика-математика куллиётининг кечки бўлимида ўқир эдим. Аммо бадиий адабиётга қизиқишим баланд эди, кичик-кичик шеърлар машқ қилиб юрар эдим. Жамолиддин ака Чувалачи оромгоҳига чиқсалар, бир зумда атрофларига дўсту биродарлари йиғилишарди.

Жамолиддин ака мени болалар шоири Толиб Йўлдош билан таништириб, 1960 йили болалар ва ўсмирлар газетасида «Баҳор элчиси» сарлавҳали биринчи шеъримни чоп этилишига сабабчи бўлганлар. Бу менинг хотирамда доимо сақланади. Биринчи бор бизнинг уйга устоз шоир Ғайратий билан ташриф буюрганларидан кейин ҳақиқий ака-укачилик бошланиб кетди.

Ўша йили мен ҳарбий хизматга чақирилдим. Каспий бўйларидан Алп Жамолга «Аскар номаси» сарлавҳали хат ёзиб, ичига «Устоз Алп Жамолга» номли шеъримни қўшиб қўйдим. Кўп ўтмай устоздан шеърий жавоб олдим.

Ўша кезлари Алп Жамолнинг ҳажвий шеърлари «Муштум» журналида, «Тошкент ҳақиқати» газетасида тез-тез чоп этилиб турарди. Матбуотда қатор интермедиялари, миниатюралари ва саҳна асарлари эълон қилинарди. 1967 йилда «Аччиқни аччиқ кесар» ҳажвий шеърий тўплами чоп этилди.

Ҳаёт тақозоси билан Тошкент телевидениесининг «Ёшлик» студиясида Алп Жамол билан бирга ишлаш каминага насиб қилди. Ичакузди интермедияларини мароқ билан ўқиб берганларида, биринчи тингловчиларидан бўлиб улардан ҳузурланганман.

Саҳна асарлари бирон жойда қўйилгудек бўлса, Жамолиддин ака эрталаб қаймоқ билан иссиқ нон кўтариб, бизникига келиб биргаликда нонушта қилардилар. Онамизни дуоларини олиб, асарларини театрга ёки бадиий кенгашга олиб кетаётганликларини айтардилар. Онамиз ҳам «Жамолиддинхон» деб тилларидан қўймасдилар.

Жамолиддин ака пазандачиликда ҳам қўли гул эди. У кишининг «Шодибеги» паловларига орзумандлар кўп бўлган. Улфатлар йиғилса, Телевидениега, нашриёт ва редакцияларга қардош жумҳуриятлардан меҳмонлар ташриф буюришса,

«Йўрғалайди оши дерлар,
Чимирилмас қоши дерлар»,

деб Жамолиддин акани қидириб қолишарди. Булғориялик меҳмонларга қирқ дақиқада ош дамлаб, меҳмонларни лол қолдирганларига ўзим гувоҳ бўлганман.

Устоз одамларнинг қиёфасига қараб феъл-атворини аниқ айтар эдилар. Дунё йиғиш, зиқналик у кишига ёт нарса эди. Айниқса, маҳалладаги кексаларга мурувватлари бошқача эди. Давра суҳбатларида тингловчи дўстларини ғоятда мамнун қилар эдилар. Ўзлари ёзган ҳажвий шеърларини маҳорат билан ёд ўқиб берардилар.

Алп Жамол асарларини мутолаа қилар эканман, биринчи жилдда муаллифнинг барча миниатюралари жамланганлигини кўриб мамнун бўлдим. Иккинчи жилддан эса характерлар устаси Алп Жамолнинг пьесалари жой олибди.

Адибнинг «Ғизғизон» сатирик комедияси дилозор, ичиқора, ҳадикгўй одамнинг кирдикорларини очиб кўрсатса, «Қувғин»да муаллиф замонавий ва долзарб мавзуга қўл урган — ота ва онасини «Қариялар уйи»га топширган бемеҳр ўғил ҳақида таъсирчан ҳикоя қилган. «Тош тешар» пьесасида эса савдодаги «савдогар» қаламга олинган. Муаллифнинг «Бевафо якан», «Тўйдаги тутун...», «Мубтало», «Тўзон» каби комедиялари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу боис улар ҳозир ҳам ката қизиқиш билан ўқилади.

Баъзи сатирик асарлар орадан қанча йиллар ўтса ҳам худди шу бугун ёзилгандек, шу куннинг муҳим хусусиятлари акс эттирилгандек туюлаверади. Алп Жамол ижодининг ўзига хос томонларидан бири ҳам шунда, деб ўйлайман. Масалан, устознинг «Бир тўй ҳангомаси» телепьесасини олиб кўрайлик. Бу асарни бугун ҳам мириқиб томоша қилиш мумкин. Тўйлардаги исрофгарчиликлар, манманликлар ҳақида муаллиф анча аввал жон куйдирганлиги маълум бўлади.

Алп Жамол асарлари фақат телевидениеда эмас, вилоят театрларида ҳам маҳорат билан ўйналган. Масалан, унинг «Тош тешар» асари Самарқандда жуда муваффақиятли қўйилганлигига гувоҳман. Айни шу асар ўша йиллари жуда оммалашиб кетган, учта театрда уч хил ном билан саҳнага олиб чиқилган эди.

Устоз билан бирга кечган завқли дамлар тўғрисида ҳар қанча сўзлашим мумкин. Аммо, мени қувонтирган нарса шуки, Алп Жамол ўзидан яхши ном, яхши асарлар қобил ва солиҳ фарзандлар қолдирди. Улар ота номини улуғлаб, руҳини шод этиб, бугун элу юртга оталаридек ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

**Сидиқхўжа ШОШИЙ**

---

**Алп ЖАМОЛ**

## ИҒВОГАР

***Танилди ҳаммага туҳматчи достонликда иғвогар,***
***Хаёли, дарду фикри — кони ёлғонликда иғвогар.***
***Ариза даста-даста, қўлда сарсонликда иғвогар,***
***Хринлаб қолса ёлғон, шоду хандонликда иғвогар.***

***Сирин билмас кишилар наздида бир нотавондек у,***
***Мулойим сўз билан аврашда ҳам худди илондек у,***
***Агар анқов топилса дафъатан чаққай чиёндек у,***
***Ҳамиша кирдикори хуфя-пинҳонликда иғвогар.***

***Ҳалол ишлаб бирор ерда чидам бирла туролмайди,***
***Қора ниятли феъли ҳеч кишига мос келолмайди.***
***Кеча тонг отгунча уйдирма ўйлаб ухлаёлмайди,***
***Куйиб дод дейди нетсун, бағри бирёнликда иғвогар.***

***Бисотида топилмас заррача ҳам яхши ниятдан,***
***Елим ё зар печакдек тирмашар ҳар кимга туҳматдан,***
***Бу хил шармандалик бирла чиқиб ул одамиятдан,***
***Аталмай қолди охир номи инсонликда иғвогар.***

***Мудом ҳасратда шўрлиқ, орқалаб бир тўда иллатни,***
***Чирик-чиркинди, яъни эски сарқит тўла ғийбатни,***
***Қолар қийноқда жони ўтказолмай қолса туҳматни,***
***Ариза даста-даста, қолди сарсонликда иғвогар.***

---

# СИЗ АЙТАВЕРИНГ, БИЗ ЭСА...

*Тўй баҳона*

Ўзинг яхши билган, яхши кўрган одаминг ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги — мақташга сўз тополмай, нимасини ёзсам экан, дея бош қотириб ўтирмайсан, сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади. Қийинлиги — ёзганларим қай даражада холис, ҳақиқатга яқин экан деган андиша-иштибоҳ...

Мен шоир дўстим Мирпўлат Мирзони деярли талабалик давридан буён биламан. Унинг матбуот юзини кўрган илк шеърларидан биридаги

***Ҳатто энг нозик***
***туйғуларим ҳам,***
***Шаънингга доғ***
***бўлар деб қўрқдим,*** —

деган беғубор сатрлари учун ижодига қизиқиб қолган эдим. Кейинроқ англадимки, Мирпўлатнинг ёдлаб олишга арзийдиган, қуйма сатрлари талайгина экан.

Мундоқ ўйлаб кўрсам, Мирпўлат Мирзо шоир сифатида кўз олдимда ўсиб, улғайибди. Эллик ёш баҳона ижодкор дўстим ҳақидаги айрим кузатишларим, фикр-мулоҳазаларимни «бир ақдан, бир бақдан» қабилида айтмоқчиман.

1. Мирпўлат фақат битта масалада ўта жиддий, ўта масъулиятли. Бу — адабиётга, ижодга муносабат масаласи! Балки шу боисдир, ҳамиша, ҳар қандай оғир, мураккаб шароитда ҳам, ҳатто устидан тегирмон тоши юргизилса ҳам сифатсиз ёзмасликка ҳаракат қилади. «Бозор иқтисодиёти шароитида ижод қилиш қийинлашиб кетяпти» — дея зорланувчиларга мийиғида кулиб, — иложи бўлса, ижод билан тижоратни омухта қилиш керак!» дея маслаҳат беради-ю, фикрини очиқ айтмайди. Бунда ҳам бир сир бўлса керак-да. Акс ҳолда «жарақ-жарақ сатрлар» (М.Мирзо ибораси — Ш.О.) ўз-ўзидан қуйилиб келармиди?

2. Мирпўлат — орзуманд одам. Ҳеч қачон умидсизликка тушмайди. Ҳамиша бир нималарни ўзича ўйлаб, чамалаб юради, кўнглидаги гапларни сир тутмай, «У ишни бундоқ қилодурман, бунисини ундоқ қилодурман, мана кўрасизлар, ҳаммаси зўр бўлади!» дея оламшумул режалар тузиб юради. Одатда, бу режаларнинг ижодга даҳлдор (яъни ўзига боғлиқ) қисми кўпинча амалга ошади-ю, қолганлари... Масалан, унинг Дўрмондаги, э йўқ, кечирасизлар, Чорвоқдаги қирқ кунда тўла-тўкис битиши керак бўлган далаҳовлиси, мана, ўн йилдан буён чала, ташландиқ ҳолда ётибди. Ҳатто мўрча ҳам қурмаган. Унинг феълини билган дўстлари Мирпўлат режаларини айта бошлаши ҳамон маъноли кулимсираб қўя қолишади...

3. Бозор иқтисодиётига яхшигина мослашган ижодкор сифатида Мирпўлат гоҳо бир ўқ билан иккита эмас, ҳатто уч-тўртта қуённи ҳам уриб олаверади. Масалан, шеър ёзса, у кейинчалик қўшиқ қилиб куйланади, тилга тушади, мукофотлар олади... Ўзбекистон гимни (мадҳияси) учун ўтказилган ўша катта танловда не-не йирик, машҳур ижодкорлар билан тенгма-тенг беллашиб, аксариятини ортда қолдиргани, ниҳоят, устози



Абдулла Орипов панжасига панжа уриб, фахрли иккинчи ўринни олгани ҳам бежиз эмас-да! Битта айби — турфа хил мукофотлар оладию, «ювмайди». Мукофот олган дўстларини бўлса уриб бўлса ҳам, «ювдирмай» қўймайди.

4. Биз — ижодкорлар гоҳо «Тарихда қолиш» масаласи ҳақида ҳазиломуз гапириб қўямиз. Менинг қатъий фикримча, Мирпўлат Мирзо агар шоир бўлмаганида, ажойиб ҳазил-мутойибалари, ҳозиржавоблиги, нозик киноя-қочиримлари билан ҳам албатта тарихда қоларди! Мирпўлат қайта нашр қилинган «Дўрмон ҳангомалари» китобимнинг асосий ва доимий қаҳрамонларидан бири! Унинг энг яхши одати — дўстларига меҳрибонлиги. У айтади, мен ёзаман. У айтиб қолаверади, мен китоб қилиб элга тарқатаман. Ҳалигача мендан бир тийин сўрамаган.

Мана, Мирпўлат айтган ҳангомалардан бири.

Мирпўлат Дўрмонда ижод қилаётган кунларнинг бирида зерикиб, гурунглашиш учун кекса ёзувчи Исоқ Ўктамовнинг хонасига чиқади. Шоир Мирзо Кенжабек билан ниманидир қизғин муҳокама қилишаётган отахон ноқулай бўлса-да, ташрифнинг бемаврид эканлигини айтади:

— Мирпўлат, кечирасиз, Мирзо билан ўзаро гапимиз бор эди...

Шоир кутилмаган эътироздан мутлақо ўзини йўқотмайди:

— Жуда яхши. Шу ерда гаплашасизларми ёки ташқарига чиқасизларми?..

5. Дунёда шоирларчалик ўз асарини яхши кўрадиган ижодкор бўлмайди дейишади. Ҳақ гап — мақтанчоқлик шоирларга қўндоқда теккан дард. Бу «фазилат» Мирпўлатга ҳам хос. Дўстимиз: «Парвозим баланд, бу жой менга сал торлик қилиб қолаётгандек... Шу кетишимда жаҳонга чиқиб кетаман-ов, мана кўрасизлар», — дея ҳазиллашиб қўярди. Ана ўша гапларига фаришталар омин деган эканми, шоир янги ташкил этилган «Жаҳон адабиёти» журналига Бош муҳаррир ўринбосари бўлди. Қийинчиликларга қарамай, ихчам жамоани бинойидек бошқариб, жавлон уриб юрибди.

6. Дўст сафарда билинади дейишади. Агар олис сафарга отланиб, ҳамроҳ қидирмоқчи бўлсангиз, Мирпўлатдан яхшисини тополмайсиз. Биз — дўстлари бунга кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Эсимда, бир гал Андижонга бориб, у ердан Абдухалилхожи бошчилигида Арслонбоб тоғларига чиқдик. Ўшанда Мирпўлат от миниб, юргизишни билмай, «Отни қандай қилиб қўрқитади?» дея ҳаммамизни кулдирган эди.

7. Шифокорларнинг гувоҳлик беришича, жамики касалликларнинг асосий сабабчиси — асабийлик эмиш. Саноқли умрни қисқартирадиган ҳам асабийлик, асаббузарлик экан. Мирпўлат дўстимиз бу жиҳатдан ҳам омадли, бахтли инсон. Чунки унда... асабнинг ўзи йўқ! Ҳа, ҳа, ишонаверинг, бу — махсус текширишларда аниқланган ҳақиқат! Шу маҳалгача ҳали ҳеч ким унинг ростакамига жаҳли чиққанини, бировга овозини кўтариб бақирганини кўрган, эшитган эмас. Мана, энди дўстимнинг яна камида юз йил яшашига мен кафилман десам ишонарсиз. Қолган гапларни ана ўшанда айтаман...

Унгача, дўстимизга соғлик-омонлик, ижодига барака тилаб қоламиз. У ҳангомаларни айтаверсин, биз эса...

**Шодмон ОТАБЕК**

---

**Сирожиддин САЙЙИД**

# ҚУРБОН ЭШМАТ КЕЛМАДИ

**(Ҳам эътироф, ҳам ҳазил)**

*Қурбон Эшматни ҳамма танийди.*

*Бу диёрда у бормаган гўша, унинг хосиятли қадами етмаган манзил йўқ ҳисоби. «Хосиятли» деганимизнинг боиси, қайга борса, албатта дўст орттиради, биродар урчитади. Қозилар, отбоқару чўпон-чўлиқлар, бўлис, ҳоким, ширкатбошию фаррош, такси ҳайдовчисидан тортиб миршаббошию мироблargача, носфурушлару қазифурушларнинг қанчаси унга дўсту қадрдон. Лекин уни истаб, йўқлаб, сўроқлаб топаман, гаплашаман деганлар оворайи жаҳон бўлади. Сабаби, у ишда кам бўлади. Йўқ, ишга келади, бироқ қачон келади, қачон кетади — бунинг кафолатини ҳеч ким бўйнига олмаган, ҳеч ким билмайди ҳам.*



*Дўстимизнинг иш кунлари тахминан тушликдан кейин, пешин билан аср намозининг оралиғида, балки аср билан шомнинг тирқишида бошланади десак ҳам хато бўлмас. Бу масалада ташхисчи мухбирларнинг ўз тахмини, хулосаси бор:*

*— У киши келадилар, азиз жонлари соғ бўлса агар шак-шубҳасиз келадилар, — дейди ярқироқ калласи таҳририят осмонини тўлин ойдай нурлантириб тургувчи масъул котиб Исмат Худоёр. — Ҳозирча келганлари йўқ.*

*Бу орада етмиш марта сим қоқиб, етмиш бора еттинчи қаватга чиқиб тушдик ҳамки, Қурбон Эшмат келмади.*

*Хонаси очиқ, уч холаю бир амма, бир амаки билан бир ярим тоға, яна бир жабрдийда чеча, у ҳам деярли ярим жон — жами етти киши, бу ёғи водийдан, у ёғи воҳадан, мўлтираб, жовдираб илҳақ ўтиришибди, бироқ хонанинг ҳақиқий эгасидан ҳамон дарак йўқ...*

*Чошгоҳ чоғи Қаршидан Исроил полвон хуноб бўлиб қўнғироқ қилди:*

*— Қурбон Эшмат келаман девди, а, бу келмади-ку?!*

*Хоразмдан Рўзимбой Ҳасан, Термиздан Бахтиёр Олломурод билан Чори Ҳожи, Чиялдан Яраш Жумабой, Кўкдаладан Бойназар бойбува, Деновдан Зойир Мамажону Бўкадан Сирожиддин Рауфнинг қайниси, яна қанча фаридаю раънолар алламаҳалгача сим қоқишди, лекин... бу Қурбон Эшмат, бу дарди бедаво келмади, келмади-да!*

*Шу куни Фарҳод Рўзиев билан Исмат Хушевнинг қўл телефонлари батарейкалари неча марта ўлиб, неча марта қўлларида жон берди.*

*Кечга томон Бойсундан келиб пойтахтга муқим бўлиб қолган эшонзодалардан Саиднеъмат эшон ҳам нима учундир «Қурбон Эшмат ака келмадиларми?» деб қизиқиб қолдилар.*

*Сурхондан келган таниқли мунаққид-мухбир Жовли Хушбоқ кутавериб, кўз тутавериб сулайиб қолаёзди. Бир бемаза шоир Қурбон Эшматнинг иш столидаги қоғозлару сиёҳдан фойдаланиб Жовлибой оғамизга ҳазрат Навоийнинг ғазали руҳида шеърий ҳазил битиб кетди:*

*«Сиёҳ бирлан ювгилу қоғоздан кафан қилгил».*

*Худди ўша куни шоир дўстимиз Асқар ҳожининг телефони ҳам ҳаргиз тиним билмади: «Қурбон Эшмат келмадими?» деган саволларга жавоб бераверив Ҳожи чарчаб қолди, ишидан унум кетди. Кейин аниқланишича, у кишининг телефон рақамларида Қурбон Эшмат рақамлари билан уйқаш жойи бор экан.*

*Қурбон Эшматнинг сурункали юришлари бор.*

*Хоразмда у киши билан бирга нортуяни миниб сайр қилганмиз.*

*Хева бозоридан Хоразм қундузининг асл мўйнасидан тайёрланган телпаклардан бирга харид қилганмиз. Қишнинг авжи чилласида дўстимизнинг телпагини ўғирлаб кетишди. Норқобил Жалил ҳам бор эди ўшанда, у ҳам Қурбон Эшматнинг муборак боши яккаланиб қолмасин деб ўз телпагини ўғриларга «туҳфа» қилди. Уларнинг олдида ноқулай бўлмасин деб мен ҳам укамга бериб юбордим.*

*Хуллас... Қурбон Эшмат ким ўзи?*

*Жиддий ёзувчи акамиз томоқ қириб, салмоқ билан бундоқ деди:*

*— Мухбирлар ичида дакангроғи шу шекилли...*

*Тўқсонга кирган Тошмуқим момонинг меҳрибон ҳам ғамхўр фарзанди — Қурбон Эшмат, бир этак боланинг мушфиқ отаси — Қурбон Эшмат, бу ёруғ дунёда орттирган бойлигим, топган давлатим деб фақат дўсту ёрлари, оға-иниларини тушунгувчи саҳоватпеша — Қурбон Эшмат, Шаҳрисабз сувларидан ётиблар ичиб, гўзал Тошкент кечаларида тириклик шаробини сипқориблар яшаётган Қурбон Эшмат — озод мамлакатнинг озод бир журналисти ҳозир қай бир шаҳар ё қишлоқда қай бир мубталонинг, бир ҳожатманд ё бир бева-бечоранинг дардига малҳам бўлайин деб юргандир-да...*

*Журналистларнинг байрамида ҳам кўринмади, бизнинг тўйга ҳам келмади. Устозлар удумини давом эттириб, бу — кўнгли доим уйғоқ, қалби ҳам, чеҳраси ҳам мудом очиқ-кушод, камтарин қаламкаш дўстимизга бир мутойиба, ҳазил шеърий мадҳия битдик. Бола-чақалари катта бўлганда ўқиса кўнгиллари ўсар, волидаи муҳтарамаси кўрса дуо айлар, ўзи эса... ўзи ўқиган заҳоти эртагаёқ жилмайиб кириб келса ҳам ҳеч ажаб эрмас.*

---

***Сурхонми ё Қашқадан***
***Кутилган пойиз келди.***
***Бир-бирин қўлтиқлашиб***
***Қози ҳам райис келди.***
***Ғузордан тандиркабоб,***
***Деновдан майиз келди.***
***Челакдан чак-чак келди,***
***Кўқондан пашмак келди,***
***Қурбон Эшмат келмади.***

***У пайт рамазон эди,***
***Нос унда арзон эди.***
***Ҳайит ўтиб, ҳут келди,***
***Ким ёрти, ким бут келди.***
***Қанча сигир, говмишнинг***
***Елинига сут келди.***
***Ўт-ўлан, хашак келди,***
***Қанча мов пишак келди,***
***Қурбон Эшмат келмади.***

***Бу дунёга термулсанг***
***Кўса ҳам кўп, кал ҳам кўп.***
***Соғлари-ку, майлига,***
***Бекорчи касал ҳам кўп.***
***Бу даргоҳга қанчалар***
***Кўса келди, кал келди.***
***Барчаси бир кўмакка,***
***Мададга маҳтал келди.***
***Тош келди, Тошмат келди,***
***Нос келди, носкаш келди,***
***Қурбон Эшмат келмади.***

***Қурбон Эшмат қайдасан?***
***Гоҳ чолғу, гоҳ найдасан.***
***Кутган маҳал келмайин,***
***Кутмаган пайт пайдосан.***
***Котибият қон бўлди,***
***Хамирлари нон бўлди.***
***Бундаги бор қоғозлар***
***Чинқирар бир овозда:***
***Қурбон Эшмат келмади.***

***Инфаркт бўлиб телефон***
***Стол узра берар жон.***
***Жовдирар Жовли Хушбоқ,***
***Дўстим, дунёга хуш боқ.***
***Хуш боққилу қалам сур,***
***Қиличдан ҳам қалам зўр.***
***Қурбон Эшмат ким ўзи?***
***Олмосдай кескир сўзи.***
***У сендай дуторчимас,***
***Ё мендай бекорчимас.***
***Жаврамагил бунча ҳам:***
***Қурбон Эшмат келмади.***

***Қурбон Эшмат, бор бўлгил,***
***Бўта эдинг, нор бўлгил.***
***Битгайдир бу дунёнинг***
***Бир кун бор каму кўсти.***
***Қанча фақир зотларнинг***
***Сен чин ёри, чин дўсти.***
***Кезгайдирсан эл аро́,***
***Ҳар дил, ҳар кўнгил аро.***
***Бунга эса қуш келди,***
***Исмат келди, хуш келди.***
***Норқул носфуруш келди,***
***Қанча сўзфуруш келди.***
***Йўлаклардан ҳар доим***
***Бир қўшиқ нохуш келди:***
***Қурбон Эшмат келмади.***

---

**Мирзақул АҲАД**

# ТАНИШУВ

*Ҳажвия*

***Хонимча маданият уйининг фаол мода шинавандаларидан қолишмаса керак. У худо берган бароқ қошларини бир тасма ипдек, шаҳло кўзлари атрофини эри урган муштипар хотин сингари кўкартириб, ҳафтанинг етти кунида автобусма-автобус юради.***

***Айниқса, бўсабоп лабларини айтмайсизми? Қачон қараманг, қип-қизил. Тикилган кўзни қамаштиради. Сочни эса қўяверинг...***

***Савол туғилади: хўш, бу хоним қайси идорада ва ким бўлиб фаолият кўрсатсайкин? Буни рост гап айта олмаган бўлур эдим...***

***Бир куни, шу десангиз, у билан автобус ўриндиғида ёнма-ён ўтириб қолдим.***

***— Синглим, айбга буюрмайсиз, қаерда ишлайсиз? — дея гап ташладим.***

***У қўлини оғзига қўйиб, бир илжайди. Бармоқларига тикилиб қолибман. Синчиклаб қарасам, ё тавба, тирноқлар ҳам шундай узун бўладими? Худди қошиқнинг ўзгинаси-я. Бунинг устига қуйиб қуйгандек лолазорнинг ўзи.***

***— Ака Боқижон! — дея жавоб берди у бироздан кейин. — Сиз сўрайсизу мен айтмайманми? Ахир, қўл остингизда беш йилдан бери фаррош бўлиб ишлаяпман-ку!***

---

**Дилмурод ЖАББОР**

## ҚАЧОН ЎСАДИ?

***Сартарошга олиб бордик,***
***Алижонни.***
***Биринчи бор бориши-да —***
***ҳайрон бўлди.***
***Чаққон қўлли уста йигит***
***бир зум ишлаб,***
***Жингалаксоч калла тақир,***
***«вайрон» бўлди.***
***Алижон лол, катта кўзгу***
***қаршисида.***
***Афт-ангори ўзига сал***
***ёқмай қолди.***
***Сочларимни топиб бер***
***деб, — хархашалаб,***
***Сартарошга хўмрайганча***
***уввос солди.***
***Икки дона конфетга ҳам***
***қарамагач,***
***Эртага ўсади деб***
***овунтирдик.***
***Тезроқ ўссин, остига сув***
***қуяйлик деб,***
***Уйга келиб ювинтирдик,***
***чўмилтирдик.***
***Сартарошга бормайман, дер***
***энди асло***
***Ҳамон хафа, ҳамон хомуш,***
***шўхлиги кам.***
***Қачон ўсар — сўрагани***
***битта савол —***
***Тугамайди онасининг***
***эртаси ҳам.***

## БУХОРО ЯКШАНБАСИ

***Бухорода ўзгача,***
***Ҳафтанинг ҳар шанбаси.***
***Алоҳида ташвишли,***
***Шаҳарнинг якшанбаси.***
***Тонгданоқ «шара-бара»***

*Боланинг тили ширин*

***Ҳуштак чалар сездириб.***
***Қандолатчи сас берар,***
***Ҳуштакчидан ўздириб.***

***Хаял ўтмай нишолла,***
***Қуюққина келади.***
***Бири-бирига қовоқ,***
***Уюбгина келади.***

***Мамнун кутар жажжилар,***
***Хўрозқандчи холани.***
***Эргаштириб юради,***
***У ҳам бир тўп болани.***

***Оқшом тушгач болалар,***
***Ухлашади ҳар қалай,***
***Оналар дер: —***
***Давлатнинг***
***Боғчасидан айланай!***

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ*

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
**Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ**

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
*Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48*
*Назм-наср бўлими: 136-56-50*
*Ижтимоий бўлим: 136-55-78*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
*Навбатчи муҳаррир —Камол МАТЁҚУБОВ*

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй**
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди 19.30.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0631. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—8840.